



## ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ ИШТИРОКЧИЛАРИНИ ҲАВФСИЗЛИГИ – ҲАҚИҚАТНИ АНИҚЛАШ ГАРОВИ

Комилжнов Мұхаммадқодир Ҳикматулла ўғли

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги 322-гуруҳ курсанти

**Аннотация:** мазкур мақолада, одил судловни амалга оширишда ўз манфаатларини ҳимоя қиласынан шахслар, яъни гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ҳамда жиноят процесси иштирокчиси бўлган шахсларнинг ҳавфсизлигини таъминлашнинг назарий ва амалий жиҳатлари, бу борадаги қонун нормаларини қўллашдаги айрим муаммолар, ҳавфсизлик чораларини қўллашга доир қонун нормаларини тақомиллаштириш лозимлиги таҳлил қилинган

**Калит сўзлар:** жабрланувчи, гувоҳ, процесс иштирокчилари гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг хуқуқ ва мажбуриятлари, жиноят процесси, процесс иштирокчиларининг ҳавфсизлиги, ҳавфсизлик чоралари қўллаш асослари ва тартиби, терговга қадар текширув, суриширув, дастлабки тергов органлари, прокурор ва суд.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг жиноят ва жиноят процессуал қонунчилиги соҳосида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Президент томонидан илгари сурилган “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”нинг йўналишидан бири ҳам айнан “мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш” деб номланиб, бу борада келгусида амалга оширилиши лозим бўлган суд-хуқуқ соасидаги ислоҳотлар белгилаб берилган. Бу айниқса, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни эркинлаштиришга қаратилган ислоҳотларда яққол кўзга ташланмоқда. Зоро, барча янгиланишлар замирида қонунийлик, одил судловни таъминлаш ва инсонпарварлик тамойили, шахс, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя этиш, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг вазифаларини таъминлаш самарадорлигини ошириш мақсади мужассамдир. Суд хуқуқ соҳасида ислоҳотларнинг амалга оширилиши, аввало мамлакат ривожи ҳамда халқаро майдондаги ўрни ва нуфузини оширишда муҳим саналган тинчлик ва барқарорликка эришиш, шахснинг қонуний манфаатлари, хуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилишнинг механизмини шакллантиришни, одил судловга кўмаклашувчи шахсларнинг ҳавфсизлигини амалда ишончли таъминлаш орқали иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш орқали адолатли, асосли ва қонуний қарор қабул қилиш имконини беради.

Жумладан жиноятларни барваҳт аниқлаш, уларни олдини олиш, одил судловни таъминлашда процес иштирокчиларини ҳавфсизлигини таъминлаш



институти муҳим ўрин эгаллади. Халқаро қонунчиликда процесс иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашда «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси» (8-модда), «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тӯғрисидаги халқаро пакт» (14-модда), БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1985 йил 29 ноябрда қабул қилинган «Жиноят ва мансаб суистеъмоллигидан жабрланганлар учун одил судловнинг асосий принциплари тӯғрисидаги декларация», БМТнинг 2000 йил 15 ноября қабул қилинган «Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенция» (24-модда), БМТнинг 2000 йилда қабул қилинган «Жиноятчилик ва одил судлов тӯғрисида: XXI аср чақириғига жавоблар» номли Вена декларацияси, БМТнинг 2005 йил 22 июлда қабул қилинган Раҳбарий принциплари (27-модда) ва бошқа халқаро хужжатлардаги қоидалар ҳуқуқий асос сифатида эътироф этилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22, 43, 44-моддаларида мустаўкамланган қоидалар ҳам барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишга хизмат қиласди.

Жиноят процесси иштирокчилари сифатида эътироф этилган жабрланувчи, гувоҳ ва бошқа шахсларга шунингдек уларнинг оила аъзолари ёки яқин қариндошларига ўлдириш, куч ишлатиш, мол-мулкини йўқ қилиб ташлаш ёхуд мол-мулкига шикаст етказиш билан ёки бошқа ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатлар билан таҳдид қилинганида суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд бу шахсларнинг ҳаёти, саломатлиги, шаъни, қадр-қиммати ва мол-мулкини муҳофаза қилиш, шунингдек айборларни аниқлаш ҳамда уларни жавобгарликка тортиш чораларини кўришлари шарт ва лозим

Ўзбекистон Республикасининг 2019-йил 14-январда қабул қилинган “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тӯғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши ушбу соғани янги босқичга олиб чиқди. Ушбу Қонун жабрланувчиларнинг, гувоҳларнинг ва жиноят процесси бошқа иштирокчиларининг ҳаёти, соғлиғи ҳамда мол-мулкига тажовуз таҳди迪 мавжуд бўлганда қўлланиладиган, жиноятларнинг олдини олишга ёки уларни фош этишга кўмаклашадиган, хавфсизлик ва ижтимоий ҳимоя қилиш чораларини ўз ичига оладиган чоратадбирлар тизимини шунингдек уларни қўллашнинг асослари ҳамда тартибини белгилаб берди. Ушбу қонун 5 боб 30 ъмоддадан иборат бўлиб унда қонуннинг мақсади ва асосий вазифалари, шахсларни ҳимоя қилиш ва ҳавфсизлигини таъминлаш чоралари, уларни амалга ошириш тартиби ва асослари ҳамда ҳимоя қилинувчи шахсларнинг ҳамда ҳимоя қилишни таъминловчи давлат органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб берилган.

Ҳимоя қилинувчи шахслар сифатида қонуннинг 4-моддасида қуйидаги шахслар эътироф этилган:

- 1) жабрланувчи ва унинг қонуний вакили;



- 2) гувоҳ;
- 3) жамоат айбловчиси ва жамоат ҳимоячиси;
- 4) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, уларнинг ҳимоячилари ва қонуний вакиллари;
- 5) маҳкум, оқланган шахс, ўзига нисбатан жиноят иши тугатилган шахс;
- 6) фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари
- 7) эксперт, мутахассис, таржимон ва холис

Маълумки жиноят содир этилганидан сўнг ижтимоий ҳавфли қилмиш содир этган шахс томонидан жавобгарликдан қутулиш мақсадида жабрлануқчи, гувоҳ ёки процеснинг бошқа иштирокчилага ҳамда уларнинг оила аъзоларига нисбатан руҳий, жисмоний таъсир ўtkазиш ўлдириш, соғлиги, ҳаётига таҳдид қилиш, мол-мулкига зарар етказиш ёки буткул йўқ қилиш бундан ташқари айборлигини исботловчи далилларни йўқ қилишга қаратилган ҳаракатлар бошланади. Бундай вазиятларда суринтирувчи, терговчи, прокурор ва суд ички ишлар органларига ишда иштирок этаётган шахсларнинг ҳаёти, саломатлиги, шаъни, қадр-қиммати ва мол-мулки муҳофаза қилинишини таъминловчи барча зарур чораларни кўриши ва хусусида ёзма равишида топшириқ бериши лозим.

Шу жиҳтдан, жиноятга оид қонунучиликни такомиллаштиришнинг қуидаги йўналишлари энг муҳим деб ўйлаймиз:

Биринчидан, Жиноят процессуал қонунчилигига жиноят очилишида фаол ёрдам кўрсатадиган гувоҳ ва жабрланувчиларга ХМҚО дан ўзининг ва оила аъзоларининг хавфсизлигини таъминлашни талаб қилиш хуқуқи расман берилиши жуда муҳим хисобланиб, улар сўроқ қилинишидан олдин хуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш чоғида мазкур хуқуққа эга эканлигини англа布 олиши хамда хавфсизлигига таҳдид солинган холларда бу ҳақда дарҳол ички ишлар органларига хабар қилиши мумкин.

Иккинчидан, Гумон қилинувчи айбланувчи ва судланувчининг яқин қариндошларидан ташқари бошқа гувоҳ ва жабрланувчининг яқин қариндошлари кўрсатув беришни рад этганда жавобгарликка тортилмаслиги белгилаб ўтиш лозим хисобланади.

Учинчидан, Амалдаги Жиноят процессуал кодексига таниб олиниши лозим бўлган шахсга таниб олинувчини кўрмайдиган қилиб, кўрсатилишига йўл қўйилиши мумкинлиги тўғрисидаги қоида янада такомиллаштирилган холда киритилиши зарур. Хавфсизликни таъминлаш мақсадида, гумон қилинаётган ёки айбланувчининг фотосуратидан фойдаланган ҳолда бундай тергов харакатини ўтказишга ЖПКнинг 127-м 4-қисмида рухсат берилган аммо таниб олинувчининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида шахсни таниб олиш учун унинг видеотасвирини тақдим этиш, таниб олинаётган шахснинг таниб олевчини кўришини истисно қиласидаган шароитда ўтказишни процессуал қонун орқали тартибга солиш мақсадга мувофиқ бўлади



Тўртинчидан, ЖПКнинг 270-моддасига мазкур харакатларни амалга ошириш вақти, аникроқ қилиб айтадиган бўлсақ,

хавф-хатар тўғрисида хабар келиб тушган ёки аниқланган пайтдан бошлаб, хавфсизликни таъминлаш бўйича реал харакатлар амалга оширилгунча бўлган муддат қанчани ташкил қилиши лозимлиги, ушбу муддат хавфсизликни таъминловчи органлар ўртасида қандай тақсимланиши, яъни муддатнинг қанча қисми қайси органга тегишли бўлишини киритиш мақсадга мувофиқ.

Мазкур институтни амалий жиҳатдан ўрганиш давомида шаҳсларнинг ҳаётига уларнинг оила аъзоларига, мол-мулкига қилинган тажовузларнинг қилиниши яширин ҳолатда, амалга оширилиши, хавфсизлиги таъминланиши зарур бўлган шахсланинг мазкур тажовуздан қўрқиши натижасида содир этилган жиноятларнинг очилмай қолиши, жиноят процесси давомида одил судловга кўмаклашувчи шахсларнинг кўрсатувларини тўлиқ олинмаслиги, ёки процесснинг турли босқичларида кўрсатувларининг ўзгариши ва кўрсатув беришдан бош тортиши каби ҳолатларни кўришимиз мумкин.

Жиноят процесси иштирокчиларини ҳавфсизлигини таъминлаш жиноят процессуал қонунчилигининг вазифалари ҳисобланган жиноятларни тез ва тўла очишдан, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этиш, қонунийликни мустаҳкамлашга, жиноятларнинг олдини олишга, шахс, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя этишга, энг муҳими адолат ва ҳақиқатни таъминлашга замин яратади.